БУГУНГИ КУН АЁЛИ 2-бет
МЕҲРУ САХОВАТГА ТАШНА ДИЛЛАР 3-бет
ШАҲАР ОБОДОНЧИЛИГИ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА 4-5-бетлар
ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ 6-бет

ДУШАНБА



# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 65 (10.370) / 2005 ЙИЛ 4 АПРЕЛЬ

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲИНДИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмохан Сингхнинг таклифига биноан 2005 йил 4-6 апрель кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга, таълим ва маданият соҳаларидаги алоқаларга доир масалаларни, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий долзарб муаммоларни муҳокама қиладилар.

Музокаралар якунида қатор икки томонлама битимлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

## Ўзбекистон-Ҳиндистон:
# ЎЗАРО ҲУРМАТ, СЕРҚИРРА ҲАМКОРЛИК

**4 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи бошланади.**

Шу ўринда эслаш жоизки, Ҳиндистон Ислом Каримов мустақил давлат раҳбари сифатида 1991 йил август ойида расмий ташриф буюрган биринчи давлатдир. Айнан ўша пайтда сиёсат, иқтисодиёт, фан, техника, таълим ва маданият соҳаларида икки томонлама ҳамкорликка асос солинганди. Ўзбекистон Президентининг ўн тўрт йил давомида мазкур мамлакатга қилаётган тўртинчи сафари икки давлатнинг турли соҳалардаги самарадор ва тобора чуқурлашиб бораётган муносабатларига салмоқли туртки беради.

Масалан, Ҳиндистон билан товар айирбошлаш ҳажми ўтган йили 150 миллион АҚШ долларидан ошди, бу 2003 йил кўрсаткичларидан қарийб 40 фоиз кўп демакдир. Шуниси эътиборга лойиқки, сўнгги йилларда Ўзбекистон экспорти таркибида хом-ашё ва ярим фабрикатлар эмас, балки етакчи саноат тармоқларининг юқори технологик маҳсулотлари – самолётлар, электрожиҳозлар, рангли металлар ва улардан тайёрланган буюмлар кўпайиб бормоқда.

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Ҳиндистоннинг бешта йирик фармацевтика компаниялари ваколатхоналари рўйхатга олинган. Ҳинд ишбилармонлари нафақат савдо-сотиқ билан шуғулланишаяпти, балки ўзбек иқтисодиётига фаол тарзда сармоялар киритмоқда. Ҳозир республикада ҳинд сармоядорлари иштирокида 25 та корхона фаолият кўрсатаяпти, уларнинг ўнтаси тўлалигича хориж капитали асосида ташкил этилган. Мазкур корхоналар фаолият кўлами халқ истеъмоли моллари ва доривор препаратлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш, туризм каби турли соҳаларни қамраб олган.

1993 йилдан буён 800 дан ортиқ ўзбекистонлик мутахассис Ҳиндистонда ахборот технологиялари, банк иши, кичик бизнес каби йўналишлар бўйича таълим олиб қайтишди. Икки томонлама ҳамкорликнинг таълим соҳасига таалluқли қисми тобора ривож топиб бормоқда. Шу йил Тошкентда Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари марказининг очилиши ҳақида расман эълон қилинди. Ҳиндистонликлардан бў йўналишда кўп нарсани ўрганса арзийди – мамлакатда ушбу технологиялар билан савдо оборотининг йиллик ҳажми 12 миллиард долларни ташкил қилади, Ҳиндистон дастурий маҳсулотлар ва хизматларни экспорт қилади, жаҳоннинг 55 та мамлакатида ана шундай мутахассисларга сабоқ беради.

Иқтисодий ҳамкорликдаги муваффақиятларга фаол сиёсий мулоқот, турли даражадаги расмий ва ишбилармонлар ҳайъатлари билан доимий алмашинувнинг йўлга қўйилгани сабаб бўлмоқда. Икки томонлама ҳамкорликнинг 45 та давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлардан ташкил топган шартнома-ҳуқуқий асоси яратилган. Кутилаётган сафар якунида унинг салмоғи янада ошади.

Гуманитар соҳадаги фаол муносабатларга халқларимизнинг узоқ тарихга бориб тақаладиган маданий алоқалари ижобий таъсир ўтказмоқда. Ўн биринчи асрдаёқ Ҳиндистонга сафар қилган Абу Райҳон Беруний ўз асарларидан бирини ушбу мамлакатга бағишлаган эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур XVI асрда шимолий Ҳиндистонда қудратли давлатга асос солди ва унинг авлодлари уч юз йил давомида ҳукмронлик қилишди. Бобур тарихда нафақат буюк давлат арбоби, балки иқтидорли шоир ва аллома сифатида ҳам ном қолдирди. Ҳиндистонлик олимлар мамлакатнинг Амир Хусрав Деҳлавий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Мирзо Асадулла Ғолиб каби буюк шоирларининг аждодлари бизнинг ўлкамиздан бўлганини эътироф этишади. Бугун мамлакатлар ўртасидаги маданий алмашинув қайта тикланиб, унинг янги қирралари очилаяпти.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳамкорлиги кенг қамровли масалалар, жумладан, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризмга қарши кураш муаммоларини ҳам ўз ичига олган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон раҳбарининг Ҳиндистонга сафари воқеаларга бой бўлиши кутилаяпти. Давлатларимиз куч сарфлаётган умумий мақсадлар серқирра ҳамда икки томоннинг ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ривожлантиришдаги қатъияти ҳам етарлидир.

**Олег ШАТУНОВСКИЙ,**
**"Жаҳон" АА шарҳловчиси**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

● **ЎТГАН** куни Фирдавсий маҳалласида «Қадрият билан ёшлар келажаги сари—2005» мавзуида маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирокида ўтказилган тадбир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти Юнусобод туман Кенгашлари ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БУГУН** Тошкент қурилиш-коммунал коллежида Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорликларида мактаб ўқувчилари ўртасида ташкил этилган «Энг яхши ўқув моддий базаси» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

● **ШАҲРИМИЗДА** акциядорлик-тижорат «Пахтабанк» акциядорларининг ўтган йилда бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● **ШАҲРИМИЗДА** фаолият кўрсатаётган «Иффатли келин» ўқув марказининг Денов шаҳрида филиали ташкил этилди.

● **ХАЛҚАРО** бизнес марказида тадбиркорлар, иқтисодчилар, банк соҳаси мутахассислари иштирокида ўтказилган давра суҳбати Осиё тараққиёт банкининг мамлакатимизда хусусий секторни ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш чораларига бағишланди.

● **ШИФОКОРЛАР** малакасини ошириш институтида Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан ўтказилган Жаҳон банки ҳамда Осиё тараққиёт банки томонидан тайёрланган «Саломатлик-2», «Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш» лойиҳаларининг тақдимотида шифокорлар иштирок этишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси Европа Иттифоқининг ЕвропаЭйд дастури доирасидаги «Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада ривожлантириш» лойиҳаси билан ҳамкорликда «Икки палатали парламент: халқаро тажриба ва истиқбол» мавзуида халқаро конференция ташкил этди.**

● **Тошкентдаги Марказий Офицерлар саройида ўтказилган матбуот анжуманида баҳорги чақириқни уюшқоқлик билан ўтказиш, ҳарбий хизматга ҳар томонлама етук, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камол топган ёшларни чақириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.**

● **Бухоро шаҳар «Маънавият ва маърифат» марказида ТАСИС дастури ташаббуси билан «Фуқаролик жамияти ва маҳаллий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш» мавзуида давлат тузилмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирокида икки кунлик семинар ташкил этилди.**

● **Урганч шаҳрида «Жамият муаммоларини ечишда Хоразм вилоят маҳалла қўмиталари фаолияти самарадорлигини ошириш» мавзусида республика конференцияси бўлиб ўтди.**

### Жаҳонда

● **Жаҳон банкига янги раҳбар—америкалик Пол Вулфовиц тайинланди. Вулфовиц илгари АҚШ Мудофаа вазири ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатиб, Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларнинг мафкуравий ишлар бўйича масъул шахсларидан бири бўлган.**

● **Ўтган йили Мадридда амалга оширилган ва 191 кишининг ҳаётига зомин бўлган террорчилик ҳаракатига алоқадорликда гумон қилинган жангари Юссеф Белхадж Бельгиядан Испанияга жўнатилди.**

● **Саудия Арабистонида кишиларни ўғирлаш билан шуғулланган, тўрт кишининг, жумладан судья ва хавфсизлик хизмати ходимининг ўлимида айбланаётган гуруҳни ташкил қилишда айбдор деб топилган тўрт киши қатл этилди.**

● **Гонконгда Хитой кинематографиясининг 100 йиллигига бағишланган «Hong Kong Film Awards» мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда йилнинг энг яхши фильмлари, актёрларига махсус мукофотлар топшириш билан бирга Хитой киносининг афсонавий актёри Брюс Ли «Ўтган юз йилликдаги Хитой киноси юлдузи» дея эълон қилинди.**

## СИЗ ШАҲРИМИЗНИ ҚАНДАЙ ҚИЁФАДА КЎРИШНИ ИСТАЙСИЗ?




**Газетамизнинг 26 март сонида эълон қилинган «Пойтахтимиз кўрки, файзу тарoвати зиёда бўлсин» деб номланган мақоладан сўнг таҳририятимизга оқшомхонлардан оқиб келаётган хатлар сони янада кўпайди. Улар ўз мактубларида шаҳримизнинг келажак истиқболи ва бугунги куни ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини баён этишган. Биз газетхонларимиз, айниқса ёшларнинг таклиф-мулоҳазалари асосида ушбу мавзуни давом эттирамиз.**



Чиндан ҳам Тошкентнинг бугунги қиёфасига қараб туриб, Истиқлолнинг буюк қудратли кучига яна бир бор амин бўласан. Ўз эркини қўлга олган, озодлик нашидасини сураётган халқ нималарга қодир бўлиши кўз ўнгингда гавдаланади. Зеро, қисқа муддат ичида амалга оширилган оламшумул ишларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Биргина бунёдкорлик ва ободончилик йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларимизнинг ўзи бунинг яққол мисоли бўла олади. Бу йўлдаги хайрли ишларимиз бир достонга татигулик десак янглишмаймиз. Бугун шаҳримизнинг қайси гўшасига назар ташламанг, қайси бурчагида бўлманг, кўзингиз замонавий бинолар ва яшил бойликлар оламидан яшнаб кетади. Бугун ораста кўчалар, сўлим оромгоҳлар, обод маҳаллалар, қўша- қўша юлдузли меҳмонхоналар, маҳобатли кўприклар, янгидан-янги бунёд этилаётган бозорлар нафақат ҳамшаҳарларимизни, балки бутун дунё аҳлини лол қолдираётгани исботини топгани ҳақиқат.

Давоми 4-5-бетларда.

*Тадбирлар*

# ЗАМОНАВИЙ АЁЛ: АНЪАНА ВА МАРОСИМЛАР

**Аёл — гул. Унга меҳр-муҳаббат, ҳурмат ва эътибор керак. Агарки аёл мана шу хислатлардан баҳраманд бўлса, у ҳамиша гулдек очилиб, яшнаб юради, меҳнатдан чарчамайди. Мамлакатимизда аёлларнинг эркин меҳнат қилиши, яшаши ва турмуш тарзини шакллантириб бориши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улар бугун эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга. Бу ҳуқуқ ҳамиша ҳимояда. Унинг ҳимоячиси биринчи навбатда аёлларнинг ўзлари. Уларнинг манфаати йўлида хизмат қиладиган ташкилот эса хотин-қизлар қўмиталаридир. Жамоатчилик асосида тузиладиган хотин-қизларнинг бу бошланғич ташкилоти аёлларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва турли манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўзига хос муаммоларини ечишга қаратилган табиий интилишларини ифода этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармоннинг замирида ҳам аёлларга муносабат масаласи ётади.**

Бугун биз ҳаётга зийрак кўз билан қарайдиган бўлсак, давлат ва жамият тараққиётида аёлларнинг роли тобора ошиб бораётганига ишонч ҳосил қиламиз. Мустақиллик йилларида давлат миқёсида хотин-қизлар манфаати, уларнинг келажак орзу-умидлари йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди, махсус дастурлар қабул қилинди. Ҳар бир инсоннинг ватанпарвар, илмпарвар, оилапарвар шахс сифатида тарбияланишида миллий қадриятлардан, анъаналардан ўринли фойдаланган, маънавияти юксак, комил ва доно аёлларнинг меҳнати беқиёс бўлганлигини ҳам ўтмиш тарихимиз инкор этмайди. Айниқса, юқорида биз тилга олган Фармондан сўнг хотин-қизлар қўмиталари фаолиятида катта жонланиш юзага келди, янгича иш услублари жорий қилинди. хотин-қизлар билан ишлаш янги босқичга кўтарилди. Шу жумладан, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси қошида фаолият олиб бораётган ўн битта уюшмада ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг биргина исботи сифатида яқинда Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси қошидаги «Хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни олиб бориш» уюшмаси ва туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида «Замонавий аёл турмушида анъана ва маросимларнинг ўрни» мавзусида бўлиб ўтган тадбирни келтиришимиз мумкин. Бугунги кун аёлининг маънавияти, маърифати, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, миллий қадриятларимиз, диний анъана ва маросимларимиз, урф-одатларимизни тиклаш ва қарор топтириш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда олималар, тумандаги олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларнинг ўқитувчи ва талабалари, маҳалла хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар қатнашдилар.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова сўзга чиқиб, бугунги кунда замонавий аёл қандай бўлиши кераклиги, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни, оилада фарзандлар тарбиясидаги муҳим вазифалари хусусида, шунингдек, ёшларимизни миллий анъана ва қадриятларимизга, урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, тўй ва бошқа маросимларимизни меъёрида, ихчам ўтказиш зарурлиги тўғрисида тўхталиб ўтди.



Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институти директори, тарих фанлари доктори, профессор Дилором Алимова, А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ўқитувчиси, фольклоршунос олима Саодат Йўлдошева ва бошқалар ҳам замонавий аёл турмушида анъана ва маросимларнинг ўрни, бугунги кунда миллий анъана ва урф-одатларимизда учраётган баъзи нуқсонлар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Юртбошимизнинг юқорида келтирилган Фармонида таъкидланганидек, биз ўз олдимизга кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш вазифасини қўйганмиз. Фуқаролик жамиятининг асосий белгиси эса, бу — давлатнинг вазифа — ваколатларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш орқали фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий маданиятини оширишдан иборат. Шу нуқтаи назардан қараганда Жамоатчилик ташаббусини ўзида мужассам этадиган тузилма — хотин-қизлар қўмитаси ўз фаолиятини бугунги кунимизнинг мана шу талаблари асосида ташкил этиши зарур. Фуқаролик жамиятининг бир қаноти маҳалла бўлса, иккинчи қаноти хотин-қизлар ташкилоти бўлиши керак. Чунки хотин-қизлар жамиятимизнинг ярмидан кўпроқ қисмини ташкил қилади. Шу боис маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари ташкил қилинди. Бундан мақсад, оилалар билан яқиндан танишиш, хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва кўмак бериш, ёшларга ҳар томонлама мукаммал тарбия бериш, улар онгига миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни сингдиришдир.

— Бугунгидаги каби тадбирларни ўтказишдан мақсад, халқимиз, айниқса ўсиб келаётган ёшлар онгида миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизга бўлган ҳурматни таркиб топтириш, шарқона фазилатларни сақлаш ва эъзозлашдан иборат, бу борада маҳаллаларда, мактаблар ва олий ўқув юртлари, коллеж ҳамда лицейларда кенг тарғибот ишларини олиб бориш зарур, — деди биз билан суҳбатда «Хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни олиб бориш» уюшмасининг раиси Дилором Алимова.— Ўйлайманки, ушбу мавзуда ёшлар ўртасида давра суҳбатлари, учрашувлар ва танловлар кўпроқ ташкил этиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади, албатта.

Қизғин фикр-мулоҳаза, баҳс-мунозаралар остида ўтган тадбир қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон халқ артисти Олмахон Ҳайитова ва тумандаги «Гулшан» номли маданият уйи бадиий ҳаваскорлари ижросидаги жозибали куй-қўшиқлар, мафтункор рақслар кечага янада файз киритди.

**Дилором ИКРОМОВА**

**ТАҲРИРИЯТДАН: дарҳақиқат, хотин-қизларнинг мавқеи,фаоллиги ошиб бораётган бугунги кунда миллий қадриятларимиз, анъана ва маросимларимизни қадрлаш. эъзозлаш, тўй ва бошқа маросимларимизни меъёрида, мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада маҳаллада фаолият олиб бораётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ҳам роли катта эканлигини таъкидлаш керак. Шу боис газетамиз саҳифаларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятини,уларнинг илғор иш тажрибаларини кенг омма ўртасида тарғиб этиш мақсадида янги «МАСЛАҲАТЧИ МИНБАРИ» рукни ташкил этилмоқда.**

**Ҳурматли оқшомхонлар, ушбу рукн юзасидан сизнинг фикр-мулоҳазаларингиз ва таклифларингизни кутиб қоламиз.**

*Долзарб мавзу*

# ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойишига мувофиқ, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида шу йилнинг 1 апрелидан мамлакатимизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» бошланди.**

Мазкур ойлик давомида комплекс чора-тадбирлар ўтказилиши мўлжалланган. Транспорт воситалари ва пиёдалар, айниқса, болалар ҳаракати серқатнов йўллар ва чорраҳаларни кўрикдан ўтказиш, аниқланган камчиликлар юзасидан таклифлар тайёрлаш, транспорт воситаларининг техникавий тайёргарлигини яхшилаш борасидаги ишлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси катта инспектори, подполковник Мансуржон Рихсиевнинг ЎзА мухбирига маълум қилишича, жорий йилнинг ўтган уч ойи давомида амалга оширилган ишлар таҳлили мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва камайтириш, шунингдек, гиёванд моддалар ноқонуний айланишига қарши кураш самарали давом этаётганини кўрсатди.

Бироқ, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, мамлакатимиз ҳудудида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари сезиларли даражада камайгани йўқ.

Рақамларга мурожаат қилсак, йил бошидан буён республика бўйича жами 2 минг 200 га яқин йўл-транспорт ҳодисаси юз берган. Оқибатда 380 киши ҳаётдан бевақт кўз юмиб, 2 минг 300 киши эса турли даражадаги тан жароҳати олган. Бахтсиз ҳодисаларнинг аксарияти пиёдалар айби билан содир бўлаётгани айниқса ташвишланарлидир.

Шу боис мазкур ойлик давомида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда айнан ана шундай муаммо ва камчиликларга алоҳида эътибор қаратилади.

Вазирлар Маҳкамаси Фармойишида таъкидланганидек, тадбир давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ойликни ташкил этиш ва ўтказиш комиссиялари фаолият кўрсатади. Жойларда ойликни самарали ўтказиш юзасидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Уларда тегишли идораларнинг вазифалари белгилаб берилган. Ҳар ўн кунда тадбир қандай ўтаётгани муҳокама этилиб, мутасаддиларнинг ҳисоботи тинглаб борилади.

Тадбир доирасида аҳоли, айниқса, ёшларга йўл ҳаракати қоидаларини янада пухтароқ ўргатишга катта эътибор берилиши бежиз эмас. Гарчи нохуш йўл-транспорт ҳодисаларининг болалар иштирокида рўй бериш ҳоллари бирмунча кам бўлса-да, учраб турибди. Бу эса вояга етмаганлар орасида тушунтириш ишларини янада яхшилаш кераклигидан далолатдир. Шу боис ички ишлар идоралари вакиллари маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлиги комиссиялари аъзолари билан ҳамкорликда ойликнинг моҳияти ҳақида идора ва ташкилотлар, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида, маҳаллаларда кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб боради, суҳбатлар ўтказади.

Айни пайтда аҳоли зич яшайдиган жойларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга оид кўргазмали паннолар, реклама материаллари ўрнатилмоқда. Барча транспорт воситаларининг техник аҳволи текширилиб, жамоатчилик иштирокида тузилган гуруҳлар йўлларда мунтазам назоратни кучайтиради, рейдлар ўтказади. Йўл ҳаракати қоидабузарлиги бўйича тузилган айрим маъмурий ҳужжатлар маҳаллаларда ва меҳнат жамоаларида муҳокама этилади.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Оламда нима гап?*

### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

- БМТ Бош котиби Кофи Аннан ташкилот обрўсига путур етказган бир неча жанжаллардан сўнг ўз лавозимини тарк этишга яқин турибди. Аннанга яқин бўлганларнинг айтишича, ҳамжамият раиси кучли тушкунликни бошдан кечиряпти ва у ўз келажаги ҳақида жиддий бош қотирмоқда. Бу энг аввало, унинг ўғли Кожо Аннаннинг «Нефть ўрнига озиқ-овқат» шартномасига даҳлдор жанжалларга аралашиб қолиши билан боғлиқ.
- Франция Президенти Жак Ширакнинг Японияда бўлиб ўтган матбуот анжуманида берган баёнотига қараганда, Европа Иттифоқи яқин келажакда кунчиқар мамлакат билан янги термоядровий реактор яратиш бўйича келишув тузиши мумкин. Айни пайтда ЕИ ва Япония мазкур тажриба реакторини қаерда қуриш борасида бир тўхтамга кела олмаяпти.
- Катарда биринчи маротаба парламент сайловлари 2006 йил июль ойига қадар ўтказилади. Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазири маълум қилди. Унинг сўзларига кўра ҳозирча мамлакат марказий сайлов комиссияси умумхалқ тадбири ўтказишга тўлиқ тайёр эмас.
- Ливия Олий суди беш нафар болгариялик ҳамшира ҳамда фаластинлик шифокор устидан чиқарилган ҳукмни қайта кўриб чиқишни бошлади. Мазкур тиббиёт ходимлари ўлим жазосига маҳкум этилганди. Улар юзлаб ливиялик болалар ўртасида хавфли вирус тарқатишга ҳаракат қилишган. Ҳамширалар ва шифокор 1999 йилда ҳибсга олинган эди. Улар шу пайтгача ўз айбларини тан олмай келишаётир. АҚШ ва ЕИ Ливияга мурожаат қилиб, тиббиёт ходимларини озод қилишга чақирди.
- Япония шимолидаги тоғларда йўқолиб қолган бир гуруҳ кексалар қаердалиги аниқланди. Фахрий альпинистлар клуби аъзолари бўлган 43 киши Акита префектурасидан чиқиб кетган ва қор бўронида қолиб кетишган эди. Яқинда улар алоқага чиқишди ва ҳеч қандай талафот кўрмаганини билдиришди.
- Анголага отланган сайёҳлар ушбу мамлакатда хавфли Марбург вируси тарқалганлиги тўғрисида огоҳлантирилмоқда. Дастлаб ўтган йилнинг октябрь ойида Ангола шимолида тарқалган бу вирус ҳозиргача 121 нафар инсоннинг ҳаётига зомин бўлди.
- Судан ҳукумати вакилининг расман маълум қилишича, бир неча мамлакатнинг хавфсизлик кучлари ходимлари Дарфур музофотида амалга оширилган жиноятлари учун қамоққа олинган. Айни пайтда 15 нафар одам суд олдида жавоб бериши кутиляпти.

**Машҳур “Фозил одамлар шаҳри” асарининг муаллифи Абу Наср Форобий: “Неки кўздан йироқ бўлса, у кўнгилдан ҳам узоқдадир”, деган эди. Зотан, кўнгил кўнгилдан сув ичса, меҳрга, хайру барокатга ташна диллар садоқат уммонидан баҳра топсагина инсонлар ўртасидаги ўзаро адоват, гина-кудурат йўқликка юз тутади. Унинг ўрнини инсоний фазилатлар эгаллайди.**

*Маҳалла*

# МЕҲРУ САХОВАТДАН ДИЛЛАР ЯЙРАДИ

Собир Раҳимов туманидаги Охунбобоев маҳалласида истиқомат қилувчи ёшу қарилар ана шундай жўмард, бир-бирига эзгулик улашиб яшайдиган инсонлар десак муболаға қилмаган бўламиз. Мана бир неча йиллирки, маҳалла фаоллари кам таъминланган, алоҳида муҳофазага муҳтож хонадон вакилларининг ҳолидан хабар олиб туради.

Яқинда мазкур маҳаллада яна бир меҳру саховат тадбири ўтказилди. Маҳалла фаоллари ҳомий ташкилотлар кўмагида ташкил этилган бир пиёла чой устидаги учрашувга мурувватга муҳтож, кам таъминланган оила вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари таклиф этилди.

— Бизнинг Охунбобоев маҳалламизда 1,5 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла оқсоқоли Маҳаматжон ота Алимов. — Улар 291 та ҳовли, 3 та кўп қаватли уйларда истиқомат қилишади. Муҳими маҳалламизда яшовчи кишилар қайси тоифага мансуб бўлишидан қатъи назар, бир-бирига меҳрини, эзгуликни дариғ тутишмайди.

Дарҳақиқат, оқсоқолнинг гапларида жон бор. Бунинг исботини тадбир давомида ҳам кузатиш мумкин бўлди. Маҳалланинг хайрли ташаббусига ҳомийлар ҳам қараб тургани йўқ. Хайрия тадбирига ўз ҳиссаларини қўшган Самиғ ота хусусий муассасаси, “Фреш” яхна ичимликлар бирлашмаси, “Технотрассавдо” ШХЖ ташкилоти жамоалари ўз ҳисобидан пул маблағлари, қимматбаҳо совғалар билан иштирок этишди.

Уларнинг очиқ кўнгиллиги, саховатли қўллари билан 300 га яқин меҳрга, мурувватга ташна қалбларга туҳфалар улашилди. Кўнгиллар меҳр тафтидан илиқлашди. Ана шундай шоён, бир умрга унутилмас бўлиб қоладиган дақиқаларни кузата туриб, беихтиёр Навоий ҳазратларининг мана бу мисралари ёдга келади:

**Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,**
**Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай.**

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**



Табиат яшарар ва яшнар экан, инсон руҳи ҳам янгиланади. Ўқув юртининг барча жамоаси ана шундай янгиланган руҳ билан Наврўзни қаршилади. Наврўз арафасида коллежда сумалак сайли бўлиб ўтди. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур ўқув масканида узоқ йиллар меҳнат қилиб эндиликда кексалик гаштини сураётганлар ҳам байрам тадбиридан бебаҳра қолмадилар.

Яқинда коллеж жамоаси Наврўз байрамини Алишер Навоий номидаги кино саройида катта тантана билан нишонлади. Тадбирни ўқув юрти раҳбари, техника фанлари номзоди, доцент Жасур Қулмуҳамедов очар экан барча йиғилганларни Наврўз айёми билан қизғин қутлаб, янгидан-янги зафарлар тилади. Шу куни ўқув юрти директори ёш авлодни тарбиялашдек муҳим ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшгани учун Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими аълочиси” нишони билан тақдирланган коллеж ўқитувчиси Абдулла Шоназаровга бошқарманинг Фахрий ёрлиғини йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари остида топширди.

Шунингдек, тадбирда “Балли, йигитлар” кўрик-танлови ҳам бўлиб ўтди. Коллеж ўқувчилари ушбу кўрик-танловга ўз гуруҳ раҳбарлари билан жиддий ва пухта тайёргарлик кўрдилар. Автомобиль транспортида ташишни ташкил этиш ва ҳаракатни бошқариш факультетининг “Автомобилчи” жамоаси, автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш факультетининг “Усталар” ҳамда Автомобиль йўллари ва менежмент факультетининг “Зиё” жамоалари қатор шартлар бўйича ўзаро беллашиб энг аввало коллеж ҳаётига, ўз тенгдошларининг ўқув жараёнидаги фаолиятини кўрсатишга, керак жойда чиройли юморга мурожаат қилишга интилдилар.

Шу ўринда “Усталар” жамоасининг факультет декани Салимжон Раҳимбердиев ҳамда “Тиллар” кафедрасининг мудири Гулбаҳорхон Эшниёзова раҳбарлигида кўрик-танлов шартида эркин мавзуни жуда тўғри танлаганларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Ушбу жамоа ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган “Тўрт карра йўқ” акциясига мавзуига мурожаат қилиб, кенг жамоатчиликни катта ташвишга солиб турган гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, тамаки маҳсулотларини чекиш ҳамда ОИТС (СПИД) касаллиги ҳақида ишонарли саҳна кўринишини яратиб, залда ўтирганларни, айниқса ўз тенгдошларини ана шу иллатлардан огоҳ бўлишга чақирдилар.

Кўрик-танлов якунланганда “Автомобилчи” жамоаси ғолиб деб топилгани эълон қилинди. “Зиё” ва “Усталар” жамоалари ғолиблик шоҳсупасидан кетма-кет ўрин олдилар.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг коллеж бошланғич ташкилоти ҳам кўрик-танлов иштирокчиларини ўзига хос совғалар билан тақдирлади.

Умар Ҳайёмнинг “Наврўзнома” рисоласидан иқтибослар келтирилиши, Абу Райҳон Беруний, Сулаймон Боқирғоний, Алишер Навоийнинг Наврўз ҳақидаги фикрларининг айтиб борилиши ва ниҳоят Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг гўзал ғазалларидан парчалар ўқиб борилиши тадбирга янада файз киритди.

**Шавкат ЁҚУБОВ,**
**Тошкент автомобиль ва йўллар коллежи маънавият ва маърифат бўлими масъул ходими.**

*Наврўз нашидаси*

## ТАНЛОВЛАР ЎТКАЗИЛДИ

**Маълумки, азал-азалдан халқимиз байрамларни тозалигу покизалик, бутун атрофни ям-яшил майсаю гулу чечакларга буркаб, хайрли ва эзгу ишларни амалга ошириб, ёруғ юз билан кутиб олади. Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи жамоаси ҳам ана шу анъанага содиқ қолиб, ўқув юрти ҳудуди, кўча ва ариқларни тозалаб, ободонлаштириб, дов-дарахтлар, гул кўчатларини ўтказиб умумхалқ байрамини муносиб кутиб олишди.**

*Мулоҳаза, мунозара*

# КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

## НОН УВОЛ ЭМАСМИ?

**Дам олиш куни тушлик қилиш учун шаҳримиздаги ошхоналардан бирига кирдик. Биз билан ёнма-ён столда уч-тўрт ёш-яланг ичкиликбозлик қилиб ўтиришарди. Улар анча-мунча кайф қилиб қолишган шекилли ўринсиз ҳазил-мутойибаларга эрк беришганди. Шу пайт йигитлардан бири олдидаги пиёлани қўлга оламан деб ичидагиароғини тўкиб юборди. Уни кўриб шериги ҳазилга олди.**

— Оқлик увол бўлдику.

— Ҳозир эвини қиламиз, — деди-да йигитлардан бири нон бўлакларини олиб стол устига тўкилганароқни унга шимдира бошлади. Кейин ивиб кетган нон бўлагини ерга ташлади.

— Йигитлар, — дедик биз, — нариги столда қоғоз салфетка турган экан, нонни увол қилмай стол устини ўшанга артишларингиз бўлардику.

Бу гапимиз учун улардан балога қолдик.

— Дунёда насиҳатгўй кўпайиб кетган.

— Бировга маслаҳат қилгандан кўра ўзингизни эпланг.

— Қариганда одам ҳар нарсага аралашадиган бўлиб қоларканда.

Йигитлар бир-бирларига гал бермай мана шундай сўзлар билан бизни уялтирган бўлишди. Қизиқ, наҳотки мактаб кўрган, китоб ўқиган туппа-тузук йигитлар шундай қилиқ қилишса? Тўғри, улар оғирчилик йилларини кўришмаган. Биз кексалар бир бурда нон учун ўсмирлик пайтимизда ўзимизни не кунларга солганимиздан улар бехабар. Шундай бўлсада нон табаррук неъмат сифатида азизу мукаррам эканлигини улар ёддан чиқармасликлари лозим.

Нон — табаррук тушунча. Одам ўз ота-онасини қанчалик ҳурмат қилса, нонни ҳам шундай ҳурмат қилиши керак. Негаки, бизнинг ҳаётимизда ота-онамизнинг ҳиссаси қанчалик катта бўлса, энг табаррук насибамиз ноннинг ҳиссаси ҳам шунчалик улкан.

**Баҳодир ТУРҒУНОВ,**
**пенсионер.**

## ТОР ЖОЙДА ТОМОША

Йўлимиз яқин бўлгани учун бозор-ўчарни Юнусобод бозоридан қиламиз. Бозорга кираверишда жойда — автобус бекатида ҳамиша одам гавжум бўлади. Баъзида юришга жой топилмайди. Қатор кетган дўконлар, уларнинг олди тўла маҳсулот. Бир томонда кийим-кечак буюмлари савдоси авж олган. Тор йўлакнинг бўш жойи борки, сут-қатиқ, мева-чева, хуллас тухумдан тортиб лимонгача бўлган маҳсулотлар билан тўлиб тошган. Йўловчилар тиқилинч, чанг-тўзон, бу йўлдаги маҳсулотларнинг ҳоли не кечяпти, уларнинг санитария ҳолати қандай, бу билан ҳеч кимнинг иши йўқдай.

Бунинг устига тор жойда томоша деганларидек, шу атрофга ўрнашиб олган кассета сотувчиларни айтмайсизми? Улар деярли ёнма-ён жойлашиб олиб, радиокарнайни шу қадар бақиртириб қўйишадики, уларнинг овозидан на гапни эшитасиз, на сўзни. Шу атрофдан ўрин олган милиция таянч пункти ходимчилари бу аҳволни кўра-била туриб лоқайд юришганига ҳайрон қоласиз. Тўғри, баъзида улар хонаки сотувчиларни қувлаб туришади. Лекин бу ишлар ҳўжакўрсинга бўлаётгандек, сабаби хизматчилар ҳоналарига кириб кетишлари билан аҳвол ўша-ўша, эски тос, эски ҳаммомга айланади.

Билмадик, бу жойда қачон тартиб ўрнатиларкин?

**Нусрат КАРИМОВ,**
**йўловчи.**

## ФУРСАТНИ ҚЎЛДАН БЕРМАНГ

Ҳозир айни кўчат экиб, ўстирадиган палла. Яна уч-тўрт кун ораласа кеч бўлади. Баъзи маҳалла, кўча, мавзелардан ўта туриб шу ерда яшовчилар бундай қулай фурсатни бой беришаётганидан афсусланасан киши. Айниқса бу ҳол кўп қаватли уйлар оралиғида жойлашган ҳудудларда кўзга ташланади. Бугун Тошкентимизни обод ва кўкаламзор шаҳарга айлантириш ҳаракати авж олган бир паллада баъзиларнинг бундай хайрли ишдан четда қолаётганлиги ачинарлидир.

Яқинда янгидан бунёд этилган тўққиз қаватли уйлардан бирида бўлиб, у ерда яшовчилар билан суҳбатлашиб қолдик. Ҳозир кўчат экиш мавсуми. Бу давр ободонлаштириш ишларини олиб бориш учун жуда қулай пайт эканлигини шаъма қилсак улар: «Бу юмушлар бир кишининг иши эмасда. Бунинг учун барча бирдек ҳаракат қилиши керак» деган гапни айтишди. Албатта бу жавоб бизни қониқтирмади. Наҳотки катта бир уйда яшовчи шунча оила аъзоларидан биронтаси ташаббус кўрсатиб хонадон эгаларини бирлаштира олмаса? Ахир уйимиз атрофини ободонлаштириш ишига биринчи навбатда ўзимиз жон куйдиришимиз лозимлигини наҳотки улар шу пайтгача тушуниб етишмаган бўлса?

Вақт ғанимат. Қулай фурсатдан унумли фойдаланган, ютади.

**Комил ҚОДИРОВ,**
**ўқитувчи.**

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Агар дунёда энг яхши лаззат мавжуд бўлса, билгинки у ҳам бўлса — қаноат лаззатидир. Қаноатли киши роҳат-фароғатда яшаши билан бирга бошқа кишиларга ҳам яхши муомалада бўлади, уларни ҳам ўзи каби шодлик сари етаклайди. Ўзгалар ҳам қаноатли кишини ҳурмат қилади.

● Унутмагинки, душман насиҳатига қараб иш тутмоқ хато, аммо нима демоқчи эканини билиб қўймоқ фойдадан холи эмас. Унинг айтганига қарши иш тутсанг тўғри юрган бўласан.

Бир доно айтадики, агар бирор кимсанинг ҳақиқий дўст ёки душманлигини билмоқчи бўлсанг, унга маслаҳат сол, берган маслаҳати тўғри ёки нотўғрилигига қара, шундан ўзингга тегишли хулоса чиқариб оласан.

● Ҳар ким бирор ишнинг талабида қадам қўйса бу ишнинг қийинчиликларига чидаши керак. Мақсад каъбаси сари йўлга чиққан одам заҳмат саҳросидан чўчимаслиги, ундаги барча ғовларни енгиб ўтишга интилмоғи даркор.

● Ғийбат қабиҳ феълллардан биридир. Ғийбат қанчалик оз бўлса-да, унинг келтирадиган зарари ва офати денгиз уммони кабидир. Бирор кишининг орқасидан гапириш, айбини топиш, ёмонлаш, бола-чақаси, хотини,хулқи, бойлиги ҳақида бемаза фисқу фасод гапларни гапиришнинг барчаси ғийбат ҳисобланади. Ва бу ғийбатчининг ўзини ҳам балолар домига итаради.

● **Бесабрлик одат**
**бўлса инсонга,**
**Отган ўқи тегмас**
**асло нишонга!**

● Ҳакимлар айтадилар:

— Бирор иш юзасидан маслаҳатлашмоқчи бўлсанг битта оқил киши билан маслаҳатлаш, кўпчиликка айтилган маслаҳатли иш нуқсондан холи бўлмайди.

Бир араб олими:

— Ақлдан улкан бойлик, нодонликдан катта бахтсизлик ва маслаҳатдан кучли суянчиқ йўқ! — деган эди.

● Сахий одам душманлик ва адоватдан қочган, ўз қалбида муҳаббат, садоқатга йўл очган бўлади. Сахий киши мисдан ясалган кўзага ўхшайди: тез тайёрланади-ю аммо узоқ вақт ўз эгасига хизмат қилади. Очкўз киши сопол идишга ўхшайди: уни ясаш қийину, лекин узоққа етмай тез синади.

● Илмли киши хазина бўлса, унинг калити саволдир. Савол билан илм хазинаси очилади ва ундан кўп нарса ўрганилади. Афлотун ҳакимдан:

— Шунча илмни қандай ҳосил қилдинг? — деб сўрадилар.

У мулоҳаза билан жавоб беради:

— Илм ўқиётган пайтларимда ёндирган чироқ мойини ҳисобласанг еб-ичган нарсаларимдан кўпроқ бўлади. Бундан билиб олиш мумкинки, вақтни еб-ичиш ва ўйнашу кайфу сафога сарфлашдан кўра илмга сарфлаш заруррроқ экан.

● Кишиларга улардан аввалроқ салом беришга шошил, бу улуғ кишиларнинг энг олий фазилатларидан бири бўлиб, камтарлик нишоналаридан биридир.

*Фахрийлар — фахримиз*

# РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Қадим-қадимдан аёллар вафо-садоқат куйчиси, гўзаллик ва покизалик, меҳру муҳаббат элчиси сифатида ардоқлаб келинган. Уларнинг оқилу донолиги, меҳнаткашу фидойилиги ҳақида битмас-туганмас достонлар битилган, қўшиққа солиб куйланган, ғазалу достонлар ўқилган.**

Дарҳақиқат, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси қошида ташкил қилинган фаол хотин-қизлар гуруҳининг ҳисобот йиғилишида бўлган киши юқоридаги фикрлар бекорга келтирилмаганига гувоҳ бўлди, десак адашмаймиз.. Чунки фаол хотин-қизлар гуруҳи аъзолари ҳозирда пенсияда бўлишларига қарамай ўзларини юрт ташвиши, ёшлар тарбиясига масъул деб ҳисоблаётган заҳматкаш аёллардир. Уларнинг ғайрат-шижоатларини кўрган кишининг ҳаваси келади. Уларни олий ўқув юртлари, гоҳо республика миқёсида ўтказиладиган тадбир ва анжуманларда учратиб қоласиз. Гуруҳ бошлиғи узоқ йиллар ижтимоий таъминот соҳасида хизмат қилиб келган Хосиятхон опа Ёқубжонова элга танқли, кенг мушоҳадали, ўткир фикрли олима аёллар, меҳнат фахрийлари Саодатхон Усмонова, Мукаррамхон Муҳитдинова, Муборакхон Юнусхўжаева, Тўлқиной Қодирова, Раҳимахон Шомансурова, Муқаддасхон Абдусаматовалар билан хайрли ишлар бошида туриб, ёшларга ҳар жиҳатдан ибрат бўлмоқдалар.

— Ўтган Меҳр ва мурувват йилида жуда кўп эзгу ишлар амалга оширилди, — деди Хосиятхон опа Ёқубжонова ҳисобот йиғилишидаги ўз маърузасида.— "Меҳр ва мурувват — гўзал фазилат", "Меҳр ва мурувват — оиладан бошланади", "Оила — меҳр булоғи", "Ота-онадан қоладиган энг ноёб мерос — меҳрдир", "Дуо олган омондир, қарғиш олган ёмондир" каби қатор мавзуларда турли билим масканларида йиғирмадан ортиқ тадбирларни ўтказдик. Пойтахтимизнинг Сергели, Яккасарой, Мирзо Улуғбек, Юнусобод туманларидаги маҳаллаларда ўтказилган давра суҳбатлари, табаррук кексаларимизнинг таваллуд саналари, шунингдек кам таъминланган оила фарзандларининг хатна тўйларининг эсда қоларли тарзда ўтказилганини фахр билан айтиш мумкин.

Шунингдек, биз Республика ва шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, "Экосан", "Соғлом авлод учун", "Маҳалла" каби қатор жамғармалар билан ҳам яқин ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Ишонаманки, "Сиҳатсаломатлик йили"да ҳам ишларимиз унумли, ҳаракатларимиз янада фаолроқ бўлади.

Тадбирда фикр-мулоҳазалар тингланди, эшитилди, янги иш режалари белгилаб олинди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

# ХОТИНИМНИНГ ТУШИ

**Ҳажвий ҳикоя**

Ҳар кунгидек ишдан сўнг дўкондан нон харид қилиб уйга келсам рафиқам ош дамлаб менинг келишимни пойлаб ўтирган экан.

— Ассалому алайкум, дадаси, яхши келдингизми, чарчамадингизми, деб сўрашиб халтачадаги иссиқ нонни стол устига қўяркан, мен ҳозир ошни сузаман деб ошхонага кириб кетди. Фарзандларим билан биргаликда девзира гуручидан тайёрланган паловни истеъмол қилгач, қизим ва ўғлим дарс тайёрлагани хоналарига кириб кетишди. Кўк чой дамлаб келган хотинимга тунов кунги совчилар қайта келмадими, деб сўрадим. — Йўқ келишмади, нега сўраяпсиз дадаси, балки бирон бир дўстингиз қизингизни сўрадими? — деди рафиқам. — Сўрагани йўқ. Ҳар ҳолда бу йил қизимиз Лолахоннинг бахти очилиб тўй қилсак, кенжатой ўғлимиз Тўравойни суннат тўйи ошини қўшиб юборар эдим. Бу йил сентябрь ойида 1- синфга боради. Тақдир қилган бўлса 2 ой ичида тўй ҳам бўлади, ўғлимизнинг қўлини ҳалоллаб оламиз, — деди рафиқам. —Дадаси, мен бир неча йиллардан бери ўйлаб юрган ниятим бор, нега эртабки бериладиган ошларга эркаклар боради аёллар бормайди. Бир кун келиб аёллар ҳам эрта билан юртга ош берар.

— Эй Барнохон, бу ҳеч қачон бўлган эмас, бўлмайди ҳам.

—Нега бўлмас экан дадаси, агар рухсат берсангиз мен шу ишни ташкил қилар эдим.

Мен хахолаб кулиб юбордим. Кимсан техника фанлари номзоди Барнохон Хасановна Ўзбекистонда биринчи бўлиб ўғлининг суннат тўйини ўтказибди, тўйга фақат аёллар келибди, турмуш ўртоғи бунга қандай йўл қўйибди, аёл киши эрта билан дастурхонга ош тортибди, балки Барнохон Гиннеслар китобига ўз номини қолдирмоқчи бўлгандир деган гап-сўзлар ичида қоламиз, хотинжон, — дедим мен.

— Тўғри айтасиз, дадаси, — деди Барно. —Агар қизимиз Лолахоннинг бахти кечроқ очилса, август ойида кичикроқ даврада акаука, опа-сингилларни таклиф қилиб ўғилчамиз Тўравойнинг қўлини ҳалоллаб олар эдик.

Бу фикрингга мен қўшиламан, мен ҳам шуни ўйлаб юрган эдим, деб ётишга ҳозирландим...

Эрта билан хотиним қизимиз Раъноҳонга қўнғироқ қилди. —Раъноҳон, қизим, яхши юрибсанми, соғлиқларинг яхшими, фарзандларинг тинч-омонми, деб телефон орқали ҳол-аҳвол сўрашдан сўнг Барнохон қизини уйга таклиф қилди. — Тезда етиб кел, маслаҳатли иш чиқиб қолди.

Орадан 15 дақиқалар ўтгач, Раъноҳон етиб келди. Бир пиёладан иссиқ чой ичишгач, онаси нима сабабдан чақирганлигини тушунди.

— Онажон, сиз аёл бошингиз билан қандай тўй қиласиз, шу пайтгача ҳеч бир аёл эрта билан наҳорга фақат аёллар учун ош тортмаган, бунга дадам нима дейдилар? — Кеча кечқурун дадажонимга айтдим, унча уришмадилар. Гиннеслар китобига ўз номингни қолдирмоқчимисан, дедилар. Ҳозир сен билан биргаликда таклифнома матнини ёзамиз: Қани ёз-чи!

Ассалому алайкум,

Муҳтарама ——————————

Сизни 16 май, якшанба куни наҳорга кенжатой фарзандим Тўравойнинг——————— суннат тўйи муносабати билан фақат аёллар учун ёзиладиган дастурхонга таклиф қилувчи

Барнохон Ҳасановна.

— Қалай, бўладими қизим. Қанча таклифномага буюртма берсам бўларкин? Беш юз дона етар. Қизим, сен шу бугуноқ таклифнома билан шуғуллан. Мен эса эртабки ошга санъаткорлар, ошпаз, новвой, карнайчи, сурнайчи, устани гаплашиб келаман. Тўйни уйимиз олдидаги тўйхонада ўтказамиз. Тўйимиз шундай чиройли бўлсинки, ҳамма ҳайрон қолсин. — Ойижон, сабзи қаерда тўғралади, айвончага гилам ёзиб кўрпача ёзилса домдаги аёллар бир пасда тўғраб ташлашади.

— Базм бўлмайдими?

— Йўқ бўлмайди.

— Нима сабаб?

— Мен биринчи бор тўй қилмоқдаман, ойлик билан йиққан жамғармам ошга етиб қолар, деб ўйлайман.

— Ойи, тўйга масаллиқларни қачон олиб келинади?

— Қизим, уларнинг рўйхатини тузиб қўйдим. Сен билан бирга харид қиламиз. Эртага якшанба, эрта билан соат 5 га келсанг, Кўкчеракдан қўй харид қиламиз.

— Ойи, тўй аёлларга деяпсиз, қўйни ким сўяди?

— Буни ҳам гаплашиб келдим. Нариги домда яшайдиган Аҳмад қассоб «Мен аёллар орасига кирмайман, рафиқам иримини қилиб сўйиб беради», — деди.

— Вой, ойи, аёл киши ҳам қўй сўядими?

— Аҳмад қассоб йўғида бўкиб қолган қўйларни сўйиб ўрганган экан.

Энди қизим ҳадемай тонг отади. Сен таклифномани тезлат. Мен ошпазникига, ашулачиникига бораман.

Салом-аликдан сўнг ошпаз менга ўз миннатдорчилигини билдирди. Ҳозирги вақтда баъзи аёллар ўз фарзандларини меҳрибонлик уйига, кўчага, баъзан ахлат яшикларига ташлаб кетаётганликларини, она деган юксак номга доғ тушираётганликларини кўзларида ёш билан гапирди. Мени аёл киши бўла туриб ҳали ҳеч бир аёл қилмаган ишни бошлаганимни мақтади.

— Қизим, — деди кўса ошпаз, — мен пешонамни бойлаб, узун аёллар фартугини тақиб ошни дамлаб бераман, сузишни эса қизим ва келинимга топшираман. У ош дамлаш учун керакли зираворлар олиб боришни ўз бўйнига олди. Хизмат ҳақини юрт қатори бўлишини айтди.

Санъаткорлардан дуторчи қизлар дастаси мен берадиган ошда хизматда бўлишларини дафтарчаларига ёзиб қўйишди. Новвой, чойхоначи ҳам ҳал бўлди. Чорсудаги марказий дорихона олдида карнайчи, сурнайчи, ноғорачи ва доирачилар йиғиладиган марказ бўлиб, улар олдига борганимда атрофимни ўраб олдилар ва никоҳми, бешик тўйими, эртабки ошгами деб савол ҳар томондан ёғилиб кетди. Мен ўзимни қўлга олиб уларга тушунтирдим: 16 май якшанба куни ош наҳорга берилади ва у фақат аёлларга, тўйда эркаклар бўлмайди. Унда нима қилиб биздан сўраяпсиз, ана аёллардан топинг, дея жавоб қайтаришди.

— Шу пайтгача, — деди тўладан келган мўйловдор киши, — аёллар саҳарлаб ош тортмаган, бу ишни сиз Ўзбекистонда биринчи бўлиб бажараётган экансиз, шахсан мен бора олмайман. Ҳаммалари жим бўлиб қолди. Хизмат ҳақингизни 2 мартоба кўпайтириб берсам борасизларми, дедим. Қоп-қора мўйловдор чайиргина йигит мен «составим» билан бораман, фақат хизмат ҳақимизни 4 баробар ошириб берасиз. Ўзи эртабки ошга қанча пул беришаяпти? — 30 мингдан юқори, — деди ҳалиги йигит.

Демак мендан 150 минг олмоқчи экансиз-да, дедим.

— Ҳа, — деди бояги чайир йигит. — Мен розиман, лекин ҳар бирингиз рафиқангизнинг атлас кўйлагини кийиб, бошингизга рўмол ўраб келасиз, — дедим. Мўйловли хотин бўларкансанда, деди даврадаги йигитлардан бири. Кулги кўтарилди. Бола-чақани боқиш керакда, деди чайир йигит. — Ана кеча телевизорда қизиқчилар аёллар ролини ўйнади, ҳеч нима бўлгани йўққу, дедим. Мўйловингизни олдириб ташлайсиз. Яна ўсиб чиқаверади, ўртада шунча пулли бўласизлар, дедим. Уй манзилимни уларга қолдириб, уста қидириб кетдим.

Чорсудаги «ГУМ»нинг орқа томонидаги коттежда истиқомат қилувчи устани топдим, менинг бахтимга уйида дам олаётган экан. Салом-аликдан сўнг келиш мақсадимни тушунтирдим. — Келин, бу дейман турмуш ўртоғингиз йўқмилар, — деб менга ер остидан қараб қўйди уста. Худога шукр, борлар, уйдалар, дедим. —Нима учун ўзлари келмадилар, деди уста. — Тўй фақат аёллар учун бўлаётгани учун уларни безовта қилмасдан, ҳаммасига ўзим югуриб юрибман, — дедим.

— Фарзандингиз келажагини ўйлаб тўй қилсангиз, турмуш ўртоғингиз билан биргаликда бамаслаҳат қилинг, болам, деди уста. — Ҳозир баъзи қизлар ва аёллар эркаклардан устун бўлмоқчи. Эркакларнинг кўйлагини, шимини, телпагини киймоқдалар, галстугини, камарини тақиб юрибдилар. Тўй тантаналарида эркаклар билан бир қаторда ўтириб ичмоқдалар, чекмоқдалар, сочларини калта қилиб қирқтирмоқдалар, шаҳарда узун сочли аёлларни кам учратасиз, бозорларда аёллар шундай сўкадиларки, уялганингиздан қочиб қоласиз. Яна сиз аёллар киймимини кийиб олиб ўғлимни хатна қиласиз дейсиз. Менга осмондаги ойни олиб берсангиз ҳам бу ишни бажармайман.

Аёллар тўғрисида устанинг айтган гапларидан икки юзим ловуллаб ёнди, хўрлигим келиб хўнграб-хўнграб йиғладим.

Этим сесканиб кетди, кўзимни очсам, тепамда дадаси, қизим Раъноҳон ўтирибди, тез ёрдам ходими қон босимимни ўлчади, тинчлантирувчи укол қилди, пиёлага ажойиб хидли дори томизиб ичирди. —Ана айтмадимми сизларга яхши бўлиб қоладилар деб, —деди тез ёрдам ходими. Бундай ҳолат қаттиқ чарчаганники ва ёмон туш кўрганлик натижасидир, — деди шифокор. Дадаси ва қизим шифокорни кузатиб чиқиб кетишди. Кўзгуга қарасам, қовоқларим шишиб кетибди, рангим оқарган. Шу пайт хонага дадаси ва қизим кириб келишди. Дадасининг нима бўлди сизга Барнохон, деган саволларига бир кулиб, бир йиғлаб, тушимни айтиб бердим. Улар шундай кулишдики, кўрган тушимга ҳам пушаймон бўлдим.

**Хайриддин ФАТХУЛЛАЕВ**

## ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ «POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ 2005 ЙИЛНИНГ 5,8,12,15,19,22,26,29 АПРЕЛЬ, 3,6,10,13,17,20,24,27,31 МАЙ ҲАМДА 3,7,10,14,17,21,24,28 ИЮНЬ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН КИМ ОШДИ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади

—Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи кўчасида жойлашган, ободонлаштириш ишлари учун мўлжалланган, майдони 0,018 га. ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи. Бошланғич нархи 1 801 800 сўм;

—Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига қарашли Солиқ коллежининг 1984й. и/ч, д/б 10AI 473 бўлган ГАЗ—24 русумли. Бошланғич нархи 343 843 сўм;

—«Тошинвестқурилишбутлаш» унитар корхонасининг 1988й. и/ч, д/б 10AI 382 бўлган КАВЗ—3270 русумли. Бошланғич нархи 1 230 000 сўм; 1982й. и/ч д/б 10AI 385 бўлган ГАЗ—53А русумли. Бошланғич нархи 874 000 сўм;

—Тошкент шаҳар тиббий меҳнат экспертиза хизматининг 1990й. и/ч, д/б 03—29 ТНГ бўлган, ВАЗ—2121 русумли. Бошланғич нархи 541 000 сўм;

—Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг 1980й. и/ч, д/б 10 АН 339 бўлган ГАЗ—24 русумли. Бошланғич нархи 500 000 сўм;

Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг 1995й. и/ч, д/б 10AW 140 бўлган УАЗ 31514-10 русумли автовоситаси. Бошланғич нархи 380 159 сўм;

Тошкент, Буюк Ипак йўли, 243-уйда жойлашган Тошкент вилояти Ички Ишлар бошқармаси Автохўжалигининг автотранспорт воситалари:

—1992й. и/ч, д/б 41—48ТШП бўлган ГАЗ—330700 русумли автовоситаси. Бошланғич нархи 710 870 сўм;

—1988й. и/ч, д/б 02—00ТШБ бўлган ГАЗ—2410 русумли автовоситаси. Бошланғич нархи 535 616 сўм;

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шарофобод кўчаси, 5-уйда жойлашган Шароф Рашидов номидаги Халқаро жамғармага қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари:

—1991й. и/ч, д/б 10AX 444 бўлган УАЗ 3303 русумли автовоситаси. Бошланғич нархи 1 709 676 сўм;

—1998й. и/ч, д/б 10AR 647 бўлган Нексия GLE русумли автовоситаси. Бошланғич нархи 4 733 004 сўм;

—1999й. и/ч, д/б 10AE 010 бўлган Нексия GLE BO русумли автовоситаси. Бошланғич нархи 5 967 701 сўм;

—2004й. и/ч, д/б 10AZ 209 бўлган Нексия GLE BO русумли автовоситаси. Бошланғич нархи 8 165 408 сўм;

Тошкент Давлат юридик институтининг автотранспорт воситалари:

—1993й. и/ч, д/б 10AK 148 бўлган Дамас русумли. Бошланғич нархи 1 416 333 сўм.

—1993й. и/ч, д/б 10AC 306 бўлган ГАЗ—3307 (грузовой) русумли. Бошланғич нархи 743 944 сўм.

—1994й. и/ч, д/б 10AN 785 бўлган, ГАЗ—330700 (автобус) русумли. Бошланғич нархи 857 468 сўм.

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чиғатой Оқтепа қ.ф.й., Минвода кўчаси 7-уйда жойлашган «IPAK AVTO» МЧЖнинг автотранспорт воситалари:

—1987й. и/ч, д/б 10AJ 851 бўлган ЗИЛ—ММЗ—45021 русумли. Бошланғич нархи 1 029 000 сўм.

—1987й. и/ч, д/б 10AJ 864 бўлган УАЗ—3303—01 русумли. Бошланғич нархи 608 000 сўм.

—1988й. и/ч, д/б 10AJ 855 бўлган ПАЗ—672 русумли. Бошланғич нархи 1 845 000 сўм.

—1980й. и/ч, д/б 10AC 917 бўлган ЛАЗ—697 Р русумли. Бошланғич нархи 2 968 000 сўм.

—1989й. и/ч, д/б 10AJ 844 бўлган КАВЗ—3270 русумли. Бошланғич нархи 1 625 000 сўм.

М.Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уйда жойлашган Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг 1991й. и/ч, д/б 10AK 627 бўлган Москвич—2141 русумли автовоситаси. Бошланғич нархи 574 426 сўм;

Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 95-уйда жойлашган Юнусобод тумани Давлат солиқ бошқармасининг 1992й. и/ч, д/б 10AZ 946 бўлган «ГАЗ—330730» русумли автовоситаси. Бошланғич нархи 1 696 687 сўм.

Мирообод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уйда жойлашган Тошкент шаҳар солиқ бошқармасининг 1993й. и/ч, д/б 10AZ 211 бўлган «РАФ—2203» русумли автовоситаси. Бошланғич нархи 1 481 511 сўм.

Мирообод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 4-уйда жойлашган Ҳамза тумани Давлат солиқ бошқармасининг 1993й. и/ч, д/б 10AZ 264 бўлган «РАФ—2203» русумли автовоситаси. Бошланғич нархи 1 481 511 сўм.

Бектемир тумани, Ж.Остонов кўчаси, 23-уйда жойлашган «Марлин балиқ» ШКнинг 2001й. ишлаб чиқарилган, д/б 10AN 633 бўлган Матиз русумли автовоситаси қўйилади. Бошланғич нархи 2 057 217 сўм.

Собир Раҳимов тумани, Уста Ширин кўчаси, 106-уйда жойлашган, «Тошкент подшипник заводи» МЧЖга қарашли 1983й. и/ч, д/б 08-65 ТНЛ бўлган МАЗ 5334 русумли автокран. Бошланғич нархи 1 500 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Мажнунтол маҳалласи, 115-уйда жойлашган, «Ар—Пардоз» АЖга қарашли 1-қават майдони 540 кв.м., 2-қават майдони 178 кв.м., бўлган икки қаватли шифохона биноси. Бошланғич нархи 79 940 000 сўм.

—Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 6-уйда жойлашган бекат мажмуаси қўйилади. Бошланғич нархи 6 065 116 сўм;

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик темир йўл компанияси Тошкент фуқаро иншоотлари ва сув таъминоти дистанциясига қарашли Тошкент шаҳар, Мирообод тумани, А.Фитрат кўчаси, 33/1-уйда жойлашган бинонинг сатҳи 116 кв.м.га тенг бўлган қисми. Бошланғич нархи 4 714 300 сўм.

### Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган қуйидаги ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқлари қўйилади

| Объект манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Қуриладиган мажмуа тури |
|---|---|---|
| **Акмал Икромов тумани** | | |
| Лутфий кўчасида 0,04га | 4 977 900 | Савдо дўкони |
| Ширин кўчаси, 24-мавзесида 0,028га | 2 532 920 | |
| Ширин кўчаси, 24- мавзесида 0,043га | 3 457 520 | |
| Ширин кўчаси, 24-мавзесида 0,0245га | 2 317 180 | |
| Ширин кўчаси, 24-мавзесида 0,0305га | 2 687 020 | |
| Ширин кўчаси, 24-мавзесида 2-та ҳар бири 0,037га. дан | 3 087 680 | |
| Х.Турсунқулов кўчасида тўртта ҳар бири 0,015га. дан | 3 525 300 | Савдо растаси |
| Х.Турсунқулов кўчаси, 15-17-уйлар оралиғида, 0,05 га | 5 598 018 | Минимаркет |
| 25-мавзеда, 0,04 га | 4 594 068 | Супермаркет |
| Лутфий кўчасида, 0,07 га | 7 171 218 | 2-қаватли савдо расталари |
| 24-мавзеда, 0,22 га | 20 919 468 | Гузар мажмуаси |
| Сегизбоев кўчаси: 39-уй ёнида, 0,04 га | 5 080 668 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси |
| 36-уй ёнида, 0,03 га | 3 955 068 | |
| 23-мавзеда, 0,06га | 7 907 268 | Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| 11-мавзеда, 0,03га. | 3 444 768 | Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| Х.Турсунқулов кўчасида, 0,05 га | 5 705 634 | Супермаркет |
| Заргарлик кўчасида: — иккита, ҳар бири − 0,02 га.дан | 2 967 768 | Минимаркет ва савдо мажмуаси |
| − 0,045 га. | 2 876 101 | |
| Сегизбоев кўчаси 36-уй ёнида, 0,04 га | 3 380 668 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси |
| **Бектемир тумани** | | |
| Соловьев кўчасида — иккита, ҳар бири 0,02 га дан | 4 074 268 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| Ҳ. Бойқаро кўчасида, 0,02 га | 30 754 268 | Автомобиллар ювиш шохобчаси |
| Лойиҳадаги Г—40,0 м (Ж.Астанов) кўчасида, 0,40 га | 100 913 468 | Суюлтирилган газ ёнилғи қуйиш шохобчаси |
| Оҳангарон шоҳ кўчаси, «Сувчи» даҳасида, 0,03 га | 5 132 268 | Савдо мажмуаси |
| «Сувчи» даҳасида, 0,015га. | 1 733 268 | Савдо, маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| «Сувчи» даҳасида − иккита, ҳар бири 0,05 га дан | 4 276 890 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| Тошкент ҳалқа йўлида, 0,18 га | 13 157 468 | Мотел, ресторан |
| **Мирзо Улуғбек тумани** | | |
| Х.Абдуллаев кўчасида, 0,025га. | 5 122 675 | Дўкон |
| Лафарг кўчасида, 0,032 га | 3 559 640 | Минимаркет |
| Матқобилов кўчасида: 0,044 га | 5 415 628 | Савдо ва маиший хизмат мажмуаси |
| 0,036 га | 4 536 108 | |
| 0,035 га | 4 426 168 | |
| 0,06 га | 7 174 668 | Музқаймоқ қаҳвахонаси |
| Қодиров кўчаси, «Феруза» мавзесида: - 0,05 га | 4 614 768 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари |
| 0,08 га | 6 175 548 | |
| Гулсара кўчасида, 0,015 га | 1 677 250 | Дўкон |
| Қодиров кўчаси, «Феруза» мавзесида: - иккита, ҳар бири 0,04 га дан | 2 797 468 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари |
| — 0,04 га | 2 307 468 | |
| — 0,07 га | 5 389 368 | |
| **Мирообод тумани** | | |
| Тошхўжаев кўчасида, 0,02га | 2 561 600 | Минимаркет |
| У.Олимбеков кўчасида, 0,04га | 3 509 200 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| Бехтерев кўчасида, 0,045га | 3 891 000 | |
| "Қўйлиқ—3" мавзесида, 0,02га | 3 432 300 | Қаҳвахона |
| У.Олимбеков кўчасида, 0,06 га | 5 250 600 | Чойхона (муҳандислик иншоотларидан масофа сақлаган ҳолда мавжуд дарахтларни сақлаб қолиш шарти билан) |
| Фитрат кўчасида, 0,03 га | 2 173 200 | Савдо дўкони |
| «Қўйлиқ» даҳаси, 2-мавзеда, 0,20 га | 22 796 268 | Тўйхона ва гузар |
| Бехтерев кўчасида, 0,045 га | 30 203 268 | Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш мажмуаси қуриш учун (муҳандислик иншоотларни кўчириш шарти билан) |
| Манжара кўчасида, 0,0078 га | 985 435 | Икки қаватли минимаркет |
| **Юнусобод тумани** | | |
| Юнусобод даҳаси, 19-мавзе, В.Высоцкий кўчасида. 0,04га | 5 790 800 | Савдо дўкони |
| Юнусобод даҳаси, 18-мавзе, В.Высоцкий кўчасида учта ҳар бири 0,03га. дан | 4 857 000 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| Юнусобод даҳаси, 15-мавзе, Т.Зоҳидов кўчасида 0,03га | 3 984 420 | |
| Чимкент катта йўлида 0,03га | 3 921 540 | Ателье ва дўкон |
| Мойқўрғон ва Тикланиш кўчалари кесишувида 0,03га | 2 506 470 | Дўкон |
| Мойқўрғон ва Ҳасанбой кўчалари кесишувида, учта ҳар бири 0,05га. дан | 4 215 000 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| Мойқўрғон ва Тикланиш кўчалари кесишувида 0,10га | 6 009 000 | |
| 13-мавзе, А.Дониш кўчасида, 0,06га | 6 437 400 | Соғломлаштириш мажмуаси |
| «Марказ» даҳаси, 5-мавзеда, 0,02 га | 10 403 868 | Савдо,маиший хизмат кўрсатиш ва овқатланиш мажмуаси |
| ТҲАЙ, 19-мавзеда 0,02 га | 3 919 708 | Икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| А.Дониш кўчаси, 12-мавзеда, 0,02 га | 3 669 468 | Икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси |
| Чимкент йўлида, 0,04 га | 5 293 268 | |
| «Ҳасанбой» даҳаси, 2-мавзеда: — 0,06 га | 3 592 188 | Савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси |
| — 0,04 га | 3 448 668 | |
| Гв.полковник Хўжаев кўчасида, 0,03 га | 3 432 750 | Савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| Мойқўрғон кўчасида, 0,02 га | 2 998 348 | 2-қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| М.Мирзаев кўчаси, 19-мавзеда − 0,025 га | 2 319 293 | 2-қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси |
| **Собир Раҳимов тумани** | | |
| Юнусов кўчасида (банк коллежи рўпарасида), 0,04 га | 3 669 468 | Икки қаватли дўкон |
| Қамарнисо кўчасида 0,05га | 5 592 000 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| **Чилонзор тумани** | | |
| Чилонзор даҳаси, 19-мавзе, 2-Қатортол кўчасида иккита ҳар бири 0,012га. дан | 3 374 880 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| Чилонзор даҳаси, 10-мавзе, Тахтагул кўчасида 0,024га | 3 349 056 | |

Давоми 8-бетда.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Давоми. Боши 7-бетда.

| | | |
|---|---|---|
| 3-мавзеда, 0,015 га | 3 735 018 | Савдо дўкони |
| С.Юсупов кўчасида тўртта, ҳар бири 0,018 га.дан | 2 480 268 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш растаси |
| 16-мавзеда, 0,04 га | 5 294 668 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| 1-мавзеда, 0,025 га | 3 006 268 | |
| **Ҳамза тумани** | | |
| Шолохов кўчасида 0,007га | 2 290 200 | Маиший хизмат кўрсатиш биноси |
| Кадишев кўчасида 0,04 га. | 1 808 600 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| **Шайхонтоҳур тумани** | | |
| "Жар-Ариқ" мавзесида, иккита ҳар бири 0,0108га. дан | 2 495 444 | Савдо растаси |
| "Жар-Ариқ" кўчасида, саккизта ҳар бири 0,0216га. дан | 3 699 687 | |
| Белтепа-Жарариқ мавзеларида: 0,04 га | 4 759 668 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси |
| Белтепа-Жарариқ мавзеларида: 0,03 га | 3 714 318 | |
| Белтепа мавзеси, Тошкент автомобил ҳалқа йўлида, 0,04 га | 3 664 868 | Икки қаватли савдо дўкони |
| Белтепа мавзеси, Тошкент автомобил ҳалқа йўлида, 0,06 га | 5 595 948 | Икки қаватли қурилиш моллари дўкони |
| «Чорсу» мавзесида, 0,02 га | 5 577 268 | Озиқ-овқат дўкони |
| Есенин ва Вурғун кўчалари кесишувида, 0,0084 га | 2 647 285 | Савдо дўкони |
| **Сергели тумани** | | |
| Чоштепа кўчасида саккизта ҳар бири 0,009га. дан | 1 499 265 | Ҳунармандлар растаси |
| Сергели даҳаси, 1-мавзесида Сергели кўч. 0,03га | 3 411 000 | Кафе-ресторан |
| А.Ахматова кўчасида 0,06га | 4 491 600 | Маъмурий бино ва офис |
| А.Ахматова кўчасида 0,3га | 19 230 000 | Хусусий шифохона |
| А.Ахматова кўчасида 0,18га | 3 705 000 | Кичик меҳмонхона |
| Сергели кўчаси, «Сергели» даҳаси, 3-мавзеда, 0,054 га | 5 012 208 | Умумий овқатланиш мажмуаси ва дўкон |
| «Қўйлиқ» даҳаси, 5-мавзе, Ким-Пен-Хва кўчаси, 0,01 га | 2 832 268 | Фитобар ва дўкон |
| Янги Сергели кўчаси, 0,15 га | 10 018 500 | Махсуслаштирилган дўкон |
| «Спутник» даҳаси, 10-мавзе, Смоленск кўчасида, 0,08 га | 4 376 268 | Икки қаватли ошхона ва чойхона |
| **Яккасарой тумани** | | |
| Чўпон ота кўчасида, 0,006га. | 1 026 618 | Дўкон |

Ер участкаларининг узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқининг бошланғич нархларига ер участкасининг лойиҳалаш учун керакли дастлабки ҳужжатлари тўпламини тайёрлаш харажатлари қўшилган. Ҳужжатлар тўпламига қуйидагилар киради:

1. Ер участкасининг чегараси ;
2. Меъморий-лойиҳа вазифалари АПЗ—I, АПЗ— II;
3. Топографик съемка, масштаб 1:500;
4. Муҳандислик— геологик хулоса;
5. Шаҳарсозлик талаблари ва қуриладиган бино эскизи.

Танлов савдоларига қуйидаги объект қўйилади.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, М.Ҳасанова кўчаси, 11-уйда жойлашган 101-сонли болалар боғчаси бино ва иншоотлари (2 қаватли бинодан иборат «Б» блок, 1 қаватли бинодан иборат «В» блок, 1 қаватли бинодан иборат «Г» блок, 8 та айвон, 1 қаватли омборхона биноларидан иборат «Е», «З», «К», «М» блоклари). Бошланғич нархи 22 318 595 сўм ёки 22 319 АҚШ доллари.

Танлов шартлари

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биноси ва иншоотларини қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биноси ва иншоотларини қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат хатлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Танлов савдосида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади. Талабгорлар ариза ва тўлов қоғозига қўшимча тарзда конвертга мухрланган танлов шартлари бўйича ўз таклифларини (Бизнес—режа) тақдим қиладилар.

Юқоридагиларга қўшимча тарзда «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси томонидан 2005 йилнинг 6,10,13,17,20,24,27,31 май ва 3,7,10,14,17,21,24,28 июнь кунлари аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади

Тошкент шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси, 25 «А»-уйда жойлашган Ўзб. Респ. Фанлар академияси Сув муаммолари институтининг 1991й. и/ч, д/б 10AW 604 бўлган "ВАЗ 2104" русумли. Бошланғич нархи 750 061 сўм.

Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 22-уйда жойлашган "Ветеринария-санитария отряди" ШКнинг 1991й. и/ч, д/б 10AW 532 бўлган ГАЗ 3307 русумли. Бошланғич нархи 2 186 710 сўм.

Тошкент шаҳар, Глинка кўчаси, 41 "А"-уйда жойлашган "Ўзпетрол" КК 1997й. и/ч, д/б 10АС 086 бўлган Нексия GLE русумли. Бошланғич нархи 3 000 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Глинка кўчаси, 41 "А"-уйда жойлашган "Ўзпетрол" КК 2000й. и/ч, д/б 10AI 755 бўлган Нексия GLE русумли. Бошланғич нархи 3 200 000 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер участкаларига савдодан бир кун аввал соат 18—00да, қолган объектлар учун савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11—00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ер участкалари учун бошланғич нархидан 5% микдорида, қолган объектлар учун бошланғич нархидан 10% микдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК «Ўзуйжойжамғармабанк» ТШБ ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳ/рақамига тўлайдилар.

**Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.**

**«POYTAXT AUKSION» ДУК 2005 ЙИЛ 11 ВА 25 МАРТ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛГАН АУКЦИОН САВДОЛАРИДА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР СОТИЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Х.Абдуллаев 2-тор кўчасида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,04га.дан бўлган учта ер участкаларига эгалик ҳуқуқи, 3 850 000 сўмдан;«O'zbekinvest Eksiminform» Маркетинг Агентлигининг д/б 10АС 362 бўлган Эсперо русумли автовоситаси, 2 800 000 сўмга; Тошкент шаҳар ҳокимлиги автотранспорт корхонасининг д/б 10ТН 080 бўлган ДЭУ «Супер Салон» русумли автовоситаси, 5 700 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Газетанинг 2005 йил 12 январдаги сонида «POYTAXT AUKSION» ДУК томонидан берилган эълонида Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ж.Останова кўчаси, 21-уйда жойлашган «ВИЗА» МЧЖга қарашли умумий майдони 485,75 кв.м бўлган қозонхона савдолардан олинганлигини маълум қилади.

*Мунажжим башорати*

# КЎЧАТ ЭКИНГ – БОҒ ҚИЛИНГ

### 5 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

**Бугун ҳар бир сўзнинг оқибати бўлишини бир лаҳзага ҳам унутмаслик муҳим. Суҳбатдошингиз нималар ҳақида гапираётганига диққат билан қулоқ тутинг. Лекин уларнинг бирон бир ножўя айтган сўз ва ибораларига ёпишиб олманг. Ой сайёраси йўналишсиз ҳолатда бўлган соат 02.33 дан 12.46 гача айнан шу қоидага риоя этганингиз маъқул.**

Ким бу ўгитга амал қилмаса, шу йилнинг 20-21 апрель ёки декабрнинг охирлари, ёхуд 2006 йил январи бошларида енгилтаклик қилиб қўйганидан афсусланиши турган гап.

Бу сешанба чинакам адолатни тиклаш йўлидаги суд тортишувини бошлаш учун жуда қулай ҳисобланади. Никоҳ бурчидан бошқа ҳеч қанақанги муҳаббатнинг бўлиши мумкин эмас. «Тепадан ҳамма нарса яхшироқ кўриниши»ни унутманг. Кун ҳам ҳеч нарсани олдиндан билиб бўлмайдиган, ҳам башоратли бўлиши мумкин. Кўпроқ осмон, юлдузларга қараш керак.

Кун чиқиб туриб ёмғир ёғиши - Худонинг неъмати, узоқ хасталикдан тузалишни билдиради. Момақалдироқли чақмоқлар - нохушликдан далолат. Кечаси бошингиз узра булутлар тарқаса, чақмоқ шуъласи ярақласа - бу жуда яхши. Осмонда ёзувларни кўриш унданда яхши. Бир хил шаклдаги булутни уч бор кўриш ҳам ҳаётингиздаги туб ўзгаришлардан хабар бўлади.

Бирор нарсангиз ёниб кетса, йўқолса ёки синса - пул йўқотиш ва нохушликлар белгиси булар. Калит топиб олсангиз - бу уй олишингиз ва кўчиб ўтишингизга ишора.

Дераза дарчасини очиб ухласангиз ва тушингиз ёрқин ҳамда эсда қоларли бўлса - ўнгидан келади. Тушда осмонни, камалак рангларини, юлдузлар, очиқ эшикни кўриш - яхшиликка.

Ёдингизда бўлсин - бугун шамоллаш ва вирусли хасталиклар билан оғриш, аллергия реакцияларининг хуружи хавфи бор. Қон топшириш, уни йўқотиш мумкин эмас. Бугун сув шифобахш қудратга эга бўлади. Шунинг учун чўмилиш, иссиқ-совуқ душ қабул қилиш фойдали.

Кийимлардан ҳаворанг ва олтинранглари омадли бўлади. Қизил ҳамда жигарранг либосларни нарироқ суриб қўйинг.

БУГУН:

- сабзавот кўчатларини кўчириб ўтқазиш, кўкат уруғларини сепиш;
- молиявий муаммоларни ҳал этиш;
- жонли табиат билан боғлиқ ҳар қандай иш билан шуғулланиш, уй ҳайвонларига ғамхўрлик кўрсатиш;
- ота-онларингиз, қариндош-уруғларингиз, кекса авлодга мансуб бошқа кишилар билан мулоқотда бўлиш;
- ўзингизга муносиб ёрдамчилар, маслакдош шериклар топиш тавсия қилинади.

Танбаллик ва худбинликни намоён этиш, электр асбоблари, маиший ва электрон техника билан ишлаш қоидаларини бузиш, шошқалоқлик қилиш, кўп гапиришдан ўзингизни асранг.




**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»**
**республика бирлашмаси**

*Тошканбой Эгамбердиев номидаги*
*Тошкент Давлат цирки*

**2005 йил 18 мартдан**

**Диққат! Диққат!**

КУТИЛМАГАН ВОҚЕА
Тошкент Давлат циркида
ПАРИЖ-ТОШКЕНТ — ИСПАНИЯ
транзит йўли асосида жаҳонда ягона
РЕВЮ МУЗ ШОУСИНИ
18 мартдан бошлаб томоша қилишга шошилинг
Цирк кассаларида ҳозирча чипталар бор.
Жума, шанба, якшанбада
Биз Сизларни ўз Шоумизда кутамиз
Келганингиздан афсусланмайсиз!!!
Томошаларга жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.
Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.
Касса эрталабки соат 9.00 дан очиқ.
**Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**


Педиатрия илмий-текшириш институти ва клиникаси жамоалари бўлим бошлиғи У.А.Каримовга укаси

**Зафар Абдуллаевич КАРИМОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Газетанинг навбатдаги сони 6 апрелда чиқади.




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3868 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-307. 1 2 3 4 6